

Савол:

Савол: Рўзадор сузиши мумкинми?

Жавоб:

Аллома Муҳаммад ибн Солиҳ Усаймийн жавоб беради (Фатво № 252):

Рўзадор сузса зарари йўқдир. У хоҳлаганича сузиши ва сувга шўнғиши мумкин. Бироқ, сув ютиб юборишдан ниҳоятда эҳтиёт бўлиши керак. Сузиш рўзадорни фаоллаштиради ва рўза тутишига ёрдам беради. Аллоҳнинг тоат-ибодатига ёрдам берадиган нарсани эса таъқиқланмайди. Сузиш эса рўзадорга ибодат қилишни енгиллаштириб, қулайлик келтиради. Аллоҳ таоло рўза ҳақидаги оятларни баён қиласар экан шундай дейди:

۠۠۠۠۰۰۰۰۰۰۰ ۰۰۰۰۰ ۰۰۰۰۰۰ ۰۰۰۰ ۰۰۰۰۰۰۰۰ ۰۰۰۰۰ ۰۰۰۰۰۰ ۰۰۰۰۰۰
۰۰ ۰۰۰۰ ۰۰۰۰۰۰ ۰۰۰۰۰۰۰۰۰۰ ۰۰۰۰۰۰۰۰ ۰۰۰۰۰۰۰۰۰۰ ۰۰۰۰۰۰۰۰۰۰
۰۰۰۰۰۰۰۰ ۰۰۰۰۰۰۰۰۰۰ ۰۰۰۰۰۰۰۰

«Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишини истамайди. Бу саноқни тўлдиришингиз ва ҳидоят қилгани сабабли Аллоҳни улуғлашингиз учундир. Шояд шукр қилсангиз» (Бақара: 185).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса: «Бу дин енгилдир ва ким бу динга қаттиқлик қиласа (дин) унга ғолиб келади» – деганлар (Имом Бухорий: 39, Насойи: 4948).

Манбаъ: Фатво ва мақолалар тўплами, Рўза китоби, 19 жилд.